
ЭРТА ЭККАН, ЭРТА ЎРАДИ

Ёзёвон уста деҳқонлар юрти эканлигини амалда исботлаб келмоқда. Пахта етиштириш бўйича Ёзёвон тажрибаси вилоятда оммалаштирилганлиги бунга мисолдир.

Нон--бу азиз неъмат. Юртимизда ғалла мўл бўлса тўқчилик, хотиржамлик бўлади.Туманимизда буғдой экиш ва ер тайёрлаш ишлари қизғин олиб борилмоқда. Келгуси йил ҳосили учун 6 минг 600 гектар майдонга буғдой экиб, етиштириш белгиланган. Туманда 181 та фермер хўжаликларида буғдой етиштирилади. Шундан 14 та фермер хўжалиги уруғлик буғдой етиштириш бўйича шартнома қилган.

Ғалла етиштирувчи фермер хўжаликлари “Баҳромбек” ва “Фарғона” дон кластерлари билан шартнома имзолашган. Ҳозирда кластерлар томонидан фермер хўжаликларига гектарига 200 кг аммафос ва 300 кг дан уруғлик буғдой берилмоқда.

Эрта эккан, эрта ўради, деб бежиз айтилмаган. 16 октябрь ҳолатига туманимизда 3 минг 223 га ер майдонига буғдой экилди. Олди экилган буғдойлар бир текисда бўй кўрсатиб улгурди. Ғалла етиштиришда ҳам юқори натижаларга эришамиз, деган ниятдамиз.

Эргашали МАМАДАЛИЕВ,

туман қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи ўринбосари.

Ёзёвон тумани ҳокимлиги ахборот хизмати.

2022-10-17 09:44:01